

Бегимова Д. К. – ТМИ,
ўқитувчи

ШАҲАРЛАР АГЛОМЕРАЦИЯСИННИГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ

Мақолада агломерациянинг замонавий моделлари – бир марказли, кўп марказли, тарқоқ ва чизиқли агломерациялар ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, уларнинг моҳияти тўлиқ очиб берилган, афзалик ва камчиликлари таҳлил қилинган. Ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашда агломерация моделларидан фойдаланиш борасида муаллиф томонидан таклифлар берилиб, бунда кўп марказли моделнинг афзаликлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: урбанизация, агломерация, бир марказли модель, кўп марказли модель, чизиқли субмодель, тарқоқ субмодель, ҳудудий ривожланиш, миңтақа, аҳоли манзилгоҳи, йўлдош шаҳар.

В статье представлены современные модели развития агломераций: моноцентрическая, полицентрическая, рассеянная, линейная. Описана их сущность, достоинства и недостатки. Автором предложен оптимальный вариант агломераций в целях обеспечения социально-экономического развития территорий и обоснован вывод о необходимости использования полицентрической модели агломерации.

Ключевые слова: урбанизация, агломерация, моноцентрическая модель, полицентрическая модель, линейная субмодель, рассеянная субмодель, территориальное развитие, регион, населенный пункт, сателлит.

In the article modern models of development of conglomerates: homocentric, polycentric, dissipated (uniform), radial (line) are presented, their essence, advantages and disadvantages are described. The author's scientific proposals are about using the best option of the models of conglomerate. The conclusion about the necessity of development of territories on the basis of polycentric model of conglomerate is substantiated.

Keywords: urbanization, conglomerate, homocentric model, polycentric model, radial sub model, dissipated sub model, territorial development, region, locality, satellite.

Урбанизация дунё бўйлаб жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган жараён бўлиб, уни ҳаракатлантираётган куч мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан юксалаётганлигидир. Ер юзида шаҳарлар ва улар аҳолисининг сони ўсиб, майдони кенгайиб бормоқда. Турли миқёсдаги шаҳарларнинг мамлакатлар ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги аҳамиятининг кундан-кунга ортиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Шаҳарлар нафақат кенгаймоқда, балки уларнинг ўз атрофидаги бошқа шаҳарлар билан интеграциялашуви кучайиб, ўзаро алоқадорликда ривожланувчи аҳоли манзилгоҳлари гурухлари пайдо бўлмоқда. Бу ҳолат агломерацияларни вужудга

келтиради. Шаҳарлар агломерациялари мураккаб тузилишга ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига катта таъсир кучига эга. Шу сабабли, урбанизация жараёнининг жадаллашиб бораётганлиги агломерация ҳодисасини ўрганишни тақозо этади.

Агломерация катта миқдордаги аҳоли истиқомат қилувчи йирик ҳудудларни комплекс равишда ўзлаштириш усусларидан бири бўлганлиги сабабли, ҳозирги кунда геосиёсий таъсир марказларини шакллантиришнинг муҳим дастакларидан бирига ҳам айланиб улгурган. Ушбу жараённи ўрганишга бўлган қизиқишининг ортишига яна бир сабаб дунёнинг кўпчилик мамлакатларида иқтисодий ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари барқарорлигининг пасайиб боришидир. Ҳудудий ривожланишнинг самарали моделларини амалиётга жорий этиш ижтимоий-иктисодий тизимнинг барқарорлигини ошириш воситаларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, ҳудудий ривожланишни таъминлаш масаласи барча мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг ҳам асосий йуналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий устувор йўналишларидан бири вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган минтақавий сиёsat ҳудудий мувозанатлиликни таъминлаш, урбанизациялашув ва ҳудудлараро интеграциялашувни жадаллаштириш йўли билан минтақалар иқтисодиётининг комплекс ривожланишига эришишга қаратилган. Бу ҳудудларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан тўғри ташкил этишнинг нақадар долзарб масала эканлигининг исботидир.

Инсон ҳаёт кечириши учун кулай макон яратиш усули сифатида агломерация мураккаб ва фанлараро тушунча бўлиб, иқтисодиёт, архитектура, қурилиш, социология, психология, маданият ва бошқа соҳаларга оид билимларни талаб қиласи. Шу сабабли, замонавий фанда “агломерация” тушунчасининг умумэтироф этилган таърифи мавжуд эмас. Агломерациянинг норматив-ҳукукий ҳужжатларда ҳам таърифи келтирилмаган. Бу масаладаги мунозара ҳануз давом этмоқда. Дунё олимлари агломерациянинг моделлари, уларнинг афзаллик ва камчиликлари, ижобий ва салбий оқибатлари хусусида ҳамон баҳс олиб бормоқдалар, Шундан келиб чиқиб, ушбу мунозаралардаги айrim муаммоли саволлар устида тўхталишга қарор қилдик.

Агломерация (лот. *agglomerare* - бирлаштирмоқ, тўпламоқ) яқин ҳудуддаги шаҳарларнинг ўзаро “тортилиши”, ҳудуд аҳолисининг меҳнат ва турмуш жараёнларидағи алоқадорлигининг ортиши ҳисобидан вужудга келган ҳодисадир. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида келтирилган таърифга кўра, агломерация - бу аҳоли манзилгоҳлари, асосан шаҳарлар, шунингдек қишлоқларнинг интенсив ҳўжалик, меҳнат

ва маданий-маиший ҳамда рекреацион алоқалар билан боғланиб, ягона бирликни ташкил қилган компакт ҳудудли гуруҳидир[1]. Рус географ олими А.Н.Лола ушбу атамага “ишлаб чиқариш, меҳнат, маданий-маиший, рекреацион ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқадор бўлган шаҳар, қишлоқ ва дала ҳовлилар жойлашган манзилгоҳларнинг ҳамда ландшафтларнинг бир бутун тизимидир” деб таъриф берган [2].

Рус минтақашунос олими В.Н.Петров эса агломерацияларга “бир ҳудудда тўпланган шаҳар ва бошқа аҳоли манзилгоҳларининг тўпланиши бўлиб, улар ўсиш жараёнида ўзаро яқинлашадилар ва улар орасида хўжалик, меҳнат ва маданий-маиший алоқалар кучайиб боради” деб таъриф берган[3].

Фикримизча, агломерация мураккаб ҳудудий динамик тизим бўлиб, унинг элементлари ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий ва хўжалик алоқаларида, шунингдек инфратузилма ва ресурс салоҳиятидан фойдаланишда бир бутунликда намоён бўлади. Бу бир бутунлик ҳудудда мужассамлашган ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш имконини беради.

Агломерацияларнинг ҳосил бўлиши саноатнинг ҳамда урбанизация жараёнининг ривожланиши билан боғлиқ. Бошқа томондан, аксарият ҳолларда шаҳарлар сонининг кўплиги, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг мавжудлиги ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг юқорилигини кўрсатади[4]. Демак, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, урбанизация ва агломерация тушунчалари доимо ёнма-ён юради ва бири иккинчисини тақозо этади. Агломерациялар дунёning барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида шаклланган. Бомбей (Хиндистон) шаҳар агломерациясида 20 миллион, Рио-де-Жанейрода (Бразилия) 12 миллион, Мюнхен (Германия) агломерациясида эса 2 миллион аҳоли истиқомат қиласи. Ўзбекистон Республикаси минтақаларида ҳам ўнлаб агломерациялар мавжуд. Улар орасида энг йириклари Тошкент, Самарқанд, Фарғона-Марғилон, Андижон, Наманган агломерацияларидир. Масалан, Тошкент агломерацияси аҳолиси сони бугунги кунга келиб 4 миллиондан ошиб кетди. Бу мамлакатдаги энг йирик агломерация бўлиб, ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам энг юқоридир.

Агломерацияларни аниқлашнинг умумэътироф этилган ягона усули мавжуд эмас. Жаҳон амалиётида асосий кўрсаткич сифатида агломерация марказининг аҳолиси сони (100 мингдан кам эмас), шаҳар атрофидан шаҳарга етиб олиш учун сарфланадиган вақт (1,5 соатдан 2 соатгача), агломерация зонаси аҳоли манзилгоҳларининг сони (камида 3 та), йўлдош шаҳарлар аҳолиси сони (50 минг кишидан кам эмас), агломерация аҳолисининг сони (камида 110 минг киши), шаҳар аҳолисининг улуши (камида 10 фоиз) ва агломерациянинг етуклик коэффициенти кабилардан фойдаланилади.

Рус олими П.М.Полян томонидан таклиф этилган агломерациянинг етуклик даражасини аниқлаш формуласи қуйидаги шаклга эга:

$$К_{етук} = P_x (M_x m + N_x n)$$

Бу ерда:

$K_{етук}$ - агломерациянинг етуклик коэффициенти;

P - агломерациянинг шаҳар аҳолиси сони;

M ва N - мос равиша, шаҳарлар ва шаҳарчалар сони;

m ва n - уларнинг агломерация шаҳар аҳолиси сонидаги улуши.

Формула муаллифининг фикрига кўра, агломерациянинг шаклланганлик мезони K нинг 1 га тенг бўлган ҳолатидир[5].

XXI асрда ҳудудларнинг ривожланишини минтақашунос олимлар асосли равиша оқилона амалга оширилган минтақавий сиёсат билан боғлайдилар. Бундай минтақавий сиёсат агломерациялар доирасида аҳоли учун қулай турмуш ва меҳнат шароитлари яратиб берилишини назарда тутади. Агломерация ҳудудий ривожланиш назариясида янги тушунча бўлмасада, илм-фан тараққиёти билан унинг янгидан-янги қирралари очилмокда, замонавий моделлари яратилмоқда. Ушбу моделлар минтақашунос олимларнинг аҳоли турмуш даражаси, шаҳарсозлик сиёсати, ҳудудий режалаштириш ва саноатнинг ривожланиши борасидаги тасаввурларини рўёбга чиқариш имконини беради.

Агломерацияларнинг макондаги ривожланишининг бир қатор моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Бир марказли;
- Кўп марказли;
- Тарқоқ;
- Чизикли.

Куйидаги жадвалда агломерацияларнинг моделлари ва субмоделлари ҳақида маълумотлар келтирилган (1-жадвал). Бир марказли модель “марказ-йўлдош шаҳарлар” тизими шаклида бўлиб, ривожланиш жараёни марказда жадал кечади. Бу модель илк бор Кристаллернинг марказий ўринлар назариясида асослаб берилган. Бунда марказий шаҳар етакчи бўлиб, йўлдош шаҳарларни муҳим хизматлар билан таъминлайди[6]. Моделнинг афзалиги шундаки, агломерация доирасида ресурсларнинг мужассамлашувини таъминлаш ва уларни маҳаллий ҳудудлар ривожига йўналтириш мумкин. Бунда кичик турур-жой ва саноат зоналари, транспорт ва инфратузилманинг самарали тармоқлари барпо этилишини кузатиш мумкин. Моделнинг камчилиги шундаки, долзарблигини йўқотган йўлдош шаҳарлар ресурсларнинг бошқа ҳудудларга “оқиб” чиқиб кетиши натижасида ривожланмай қолади. Бу моделда аҳоли манзилгоҳларининг нотекис ривожланиши натижасида маҳаллий меҳнат миграцияси кучаяди. Модель кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистонга ҳам хосдир (Бухоро, Самарқанд, Навоий, Қўқон ва бошқа шаҳарлар агломерациялари).

Шаҳар агломерацияларининг модель ва субмоделлари

Худудий ривожланишиш модели	Моделнинг мазмуни	Афзаликлари	Камчиликлари
Бир марказли модель	Тизимнинг ривожланиши унинг марказидаги шаҳарга йўналтирилганлиги	Ресурсларнинг истиқболи ҳудудларда тўпланиши	Йўлдош ҳудудлардан ресурсларнинг “оқиб” чиқиб кетиши, миграцион оқимнинг кучайиши, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари фаолияти ва таъсирининг сусайиши
Кўп марказли модель	Агломерация таркибидаги ўзаро teng ҳуқуқли шаҳар аҳоли манзилгоҳлари орасида горизонтал алоқаларнинг ривожланиши	Агломерациянинг барча нуқталарида мутаносиб ривожланиш, бир хил турмуш даражасининг ёйилиши, маҳаллий бошқарувнинг аҳамияти ортиши	Худудни ривожлантириш учун катта миқдордаги молиявий маблағларга зарурият туғилиши
Тарқоқ модель	Аҳоли манзилгоҳларининг бир хил тақсимотига асосланган субмодель	Ресурсларнинг teng тақсимоти асосида ҳудуднинг мутаносиблиқда ривожланиши	-
Чизиқли модель	Аҳоли манзилгоҳларининг транспорт магистрали бўйлаб жойлашувига асосланган субмодель	Транспорт инфратузилмасидан биргаликда фойдаланиш ҳисобидан маблағ иқтисод қилиниши	-

Кўп марказли (тармоқли) моделда агломерация таркибидаги қўшни шаҳарлар teng ҳуқуқли бўлиб, барча масалаларда бир-бирини тўлдириб турадилар ва минтақавий ҳамкорликда ривожланадилар. Бунда ҳар бири бирор тармоққа ихтисослашган мустақил марказлар тармоғи шаклланади. Горизонтал меҳнат тақсимотининг ривожланиши натижасида унча катта бўлмаган миграцион йўқотишлар бўлиши мумкин. Ўзбекистонда ушбу модель асосида Ангрен-Олмалиқ, Фарғона-Марғилон каби шаҳарлар агломерациялари ривожланмоқда. Масалан, Ангрен-Олмалиқ шаҳар агломерациясида марказ шаҳарларнинг бири ёқилғи-энергетика (Ангрен), бошқаси рангли металлургия (Олмалиқ) тармоғига ихтисослашган. Ушбу шаҳарлар ва уларга ёндош бошқа аҳоли манзилгоҳлари орасида ишлаб чиқариш кооперацияси, меҳнат муносабатлари, хусусан, маятникили миграция ва савдо алоқалари яхши ривожланган.

Тарқоқ ва чизиқли агломерация моделларини тадбиқ килиш бироз мунозарали масала ҳисобланади. Тарқоқ модель аҳолини товар ва хизматлар билан таъминловчи марказларнинг агломерация ҳудуди

бўйлаб бир текисда тақсимланишини назарда тутади. Бу модель қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини жойлаштириш учун қулай бўлиб, қишлоқлар ёки фермаларнинг бундай тарқоқ жойлашуви АҚШ, Канада, Австралия ва Болтиқбўйи мамлакатларига хос[7]. Чизиқли моделда аҳоли манзилгоҳлари транспорт магистраллари бўйлаб ўзига хос “нур”лар ҳосил қилган ҳолда жойлашадилар. Бунда аҳоли манзилгоҳларининг ўзаро эмас, марказ билан алоқалари яхши ривожланган. Фикримизча, тарқоқ ва чизиқли субмоделлар бир марказли ва кўп марказли моделлар таркибида учраши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, агломерациялар таркибий тузилишининг икки модели мавжуд: бир марказли ва кўп марказли. Тарқоқ ва чизиқли субмоделлар алоҳида модель ҳисобланмай, юқоридаги моделлар таркибида учрайди. Агломерациянинг қайси модель асосида ривожланиши унинг таркибидаги шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг жойлашуви, ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўрни ва ихтисослашуви ҳамда ўзаро алоқаларнинг мазмунидан келиб чиқади.

Агломерацияларнинг ривожланиши ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга олиб келади. Ҳудуднинг агломерация шаклида ривожланишининг ижобий жиҳатларига юқори малакали кадрларни жалб қилиш учун қулай шароит яратилиши, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши кабиларни кирғизиш мумкин Салбий жиҳатлари сифатида аҳоли миграцияси натижасида баъзи аҳоли манзилгоҳларининг бўшаб, ривожланмай қолиши ва маҳаллий бошқарувнинг сусайишини эътироф этиш мумкин [8].

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда агломерацияларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш ва ҳудудий бошқарувни самарали ташкил этиш жиҳатидан кўп марказли модель анча қулай. Ўзбекистонда ҳам бир марказли агломерацияларнинг улуши анча юқори. Уларнинг кўпчилигига йўлдош шаҳарлар иқтисодиётини юксалтириш имкониятлари мавжуд. Масалан, Андижон агломерацияси таркибидаги Андижон-Асака-Шаҳриҳон учбурчаги янча яхши шаклланган бўлиб, Асака ва Шаҳриҳон шаҳарларининг ривожланишига бироз туртки берилса, агломерациянинг Фарғона минтақаси иқтисодиётидаги аҳамияти янада ортишига эришилади. Бу таклифни Самарқанд, Каттақўргон ва Жомбой шаҳарларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Шу ўринда моделнинг бир камчилигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим: кўп марказли агломерацияларнинг фаолиятини ташкил этишда инфратузилмани барпо этиш харажатлари анча юқори бўлади. Шунга қарамай, ушбу модель ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилма обьектларини оқилона ва қулай жойлаштириш, инсонларнинг меҳнат қилиши, яшashi ва дам олиши учун муносаб шароит яратиш йўли билан аҳоли турмуш даражаси ўсишини таъминлаш имкониятига эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, А-ҳарфи. Т.:Давлат илмий нашриёти, 2009. Б.149.
2. Лола А.М. Основы градоведения и теории города. М.: Издво:«КомКнига», 2005. Стр.202.
3. Петров Н.В. Городские агломерации: состав, подходы к делимитации // Проблемы территориальной организации пространства и расселения в урбанизированных районах. Свердловск, 1998. Стр.80.
4. А.Солиев. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий географияси). Т.: “Университет”, 2014. Б.26.
5. Лаппо Г., Полян П., Селиванова Т. Административно-территориальные преобразования и развитие агломераций. М.: Издво:«КомКнига», 2011. Стр.123.
6. Монтлевич В.М., Сараев Л.А. Дискретная оптимизация: учебное пособие. Самара, 2009. Стр.8.
7. Хмелева Г.А. Современные научные подходы к управлению территориальным развитием в регионе//Вестник Самарского государственного университета. 2013. № 7(108). Стр.36.
8. Артоболевский С.С. Меняю одну агломерацию на два кластера в разных экономических районах // Российское Экспертное Обозрение. 2007. № 4-5. Стр.28.